



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "24" mart

Қ-184 -son

Termiz sh.

Термиз тумани "Сурхон Дўстлик сархади" массиви "Солиобод" маҳалласи худудидан "Термиз Хайратон савдо майдони" МЧЖга "Паррандачилик фабрикаси ташкил этиш" учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 12 февралдаги 05-02/85-сон йиғилиш баёни, Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 22 октябрдаги 01-08/369-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Термиз тумани "Сурхон Дўстлик сархади" массиви "Солиобод" маҳалласи худудидан "Термиз Хайратон савдо майдони" МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 19қ-дала контуридаги 2,0 гектар яйлов ер майдони "Паррандачилик фабрикаси ташкил этиш" учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "Термиз Хайратон савдо майдони" МЧЖ "Паррандачилик фабрикаси ташкил этиш" учун ажратилаётган 2,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 25 142 760 (йигирма беш миллион бир юз қирқ икки минг етти юз олтимиш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов